



## ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТГАН ТАШАББУС

Аввал хабар қилинганидек, 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюция қабул қилинди. Ушбу резолюция Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодасидир.

Хелена ФРЕЙЗЕР, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили:

«Маърифат ва диний бағрикенглик» номли резолюция БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қабул қилинди. 51 давлат Ўзбекистон томонидан илгари сурилган конструктив тақлиф, яъни дунёда маънавий бағрикенглик нисбатан мазнавий бағрикенглик маданиятини кучайти-

ришга доир гоёни қўллаб-қувватладилар. Чунки ушбу резолюция бағрикенглик билан бирга, маданий ва диний билимларни кучайтириш тамойилини ҳам олға сурган ҳолда, глобал тинчлик ва фаровонлик учун устувор йўналиш бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Владимир НОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтакалараро тадқиқотлар институти директори:

— БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилиниши 2018 йилнинг муҳим тарихий воқеаси бўлди. Ушбу ҳужжат Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда миллатлараро ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида узқоқни кўзлаб олиб бориладиган изчил чора-тадбирларнинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди. Резолюцияда асосий эътибор ҳуқуқий маданиятни

ошириш, диний маърифатни кучайтириш орқали инсонлар онгини соф туйғулар билан озқилантиришга қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳукм сураётган миллатлараро ва динлараро тотувлик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг халқро майдонда обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Амани ал-ИТР хоним, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси:

— Ушбу муҳим резолюцияни Миср ҳам қўллаб-қувватлади. Давлатларимиз ўртасида айни масаладаги туташ нукта, бу — Ўзбекистон билан Мисрнинг диний тотувлик ҳамжамияти раҳбарлигида муҳим роль ўйнашни англаб етганидир. Резолюцияда кўпалат муҳим жиҳатлар ўрин олган. Таълим йўналишини оладиган бўлсак, Ўзбекистонда турли миллат вакиллари, турфа динга эътиқод қилув-

чилар ўзларининг муносиб ўрнига эга. Мазкур йўналишда мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Резолюция ташаббускори бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу Ўзбекистоннинг халқро ҳамжамият олдида турган мураккаб муаммолар ечимини топишда оқилона ташаббуси бўлди.

Ирфон Юсуф ШОМИЙ, Покистон Ислон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон илгари сурган ташаббуснинг муҳимлиги шундаки, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатлари энди унинг ҳаммуаллифи ҳисобланади. БМТда маъқулланган резолюцияни Покистон ҳам дастлабки босқичдан кўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев мазкур резолюциянинг асосини ташкил этувчи соҳаларни ривожлантириш йўлида кўпалат ишларини амалга оширди. Консенсус йўли билан қабул қилинган ҳужжатда барча аъзо давлатлар Президент

Шавкат Мирзиёев ташаббусини юксак баҳоладилар. Халқ бирдамлиги, диний бағрикенглик, инсон ҳуқуқлари унинг асосини ташкил этади. Мазкур резолюция дунё ҳамжамияти учун энг маъқул ҳужжат бўлади, деб ўйлайман. Яқинда Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтган, унда Самарқанд декларацияси қабул қилинган эди. Халқро ҳамжамият ва тарихан муштарак бўлган минтақа мамлакатлари ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлайди.

Мосуд МАННОН, Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси:

— Бангладеш Республикаси ҳар доим тинчлик ва тотувлик, диний бағрикенглик тарафдори бўлган. Шу боис, Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Диний бағрикенглик бўйича Ўзбекистон дунёда энг намунавий ва ўрнатқучи оладиган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мен Ўзбекистондаги 5 йиллик таълимий фаолиятимиз давомида ўзга дин вакилларига нисбатан фарз муносабатни кузатмадим. Аксинча, барча дин вакиллари, миллат ва элатлар тинч-тотув, аҳил ва ҳамжihat яшайди. Бу Ўзбекистон Президентини олиб бораётган



сиёсат натижасида юрtda диний бағрикенглик муҳити қарор топаганидан далолатдир. Қолаверса, бу масала фақат қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилгани учун эмас, балки кўпчилиги ислом динига эътиқод қилувчи Ўзбекистон халқининг бошқа дин вакилларига нисбатан доимо ҳурмат-эҳтиромда бўлиб келгани билан ҳам боғлиқ. Одамларнинг турли миллат вакиллари билан дўстона муносабати, аввало, ўзаро мулоқотлар орқали шаклланади. «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли резолюциянинг БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилиниши ана шу ижобий муносабатлар натижасидир.

ВИКЕНТИЙ, Тошкент ва Ўзбекистон метрополити:

— Бу ташаббус Ўзбекистон томонидан илгари сурилгани тасдиқ эмас. Чунки бу юрtda азалдан диний бағрикенглик мустаҳкам қарор топган. Ўзбекистоннинг бағрикенглик бешиги ҳам дейиш мумкин. Дунё халқлари ҳам бу диёрдаги каби тинч-тотув, аҳил ҳаёт кечирсин, деган

ғоя илгари сурилгани бежиз эмас. Биз турли миллат ва конфессиялар вакиллари Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўллаб-қувватлови, кўмагини доимо ҳис қилиб турамыз. Бундай эътибордан жуда миннатдормыз.

У.А.



## «ВАТАНПАРВАРЛАР БОҒИ» ВА МУЗЕЙИ Қарши шаҳрида бунёд этилмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишаркан, Қарши шаҳрида бунёд этилаётган «Ватанпарварлар боғи»да ҳам бўлди.

Жорий йил бошида Президентимиз тақлифига биноан Қарши шаҳридаги Болалар боғи «Ватанпарварлар боғи» деб ўзгартирилиб, бу ерда қурилиш-реконструкция ишлари бошлаб юборилган эди. Қарийб 7 гектар ҳудудни эгаллаган «Ватанпарварлар боғи»да 2018-2019 йилларда 29,3 миллиард сўмлик

реконструкция ишларини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозиргача 15,4 миллиард сўмлик иш бажарилган.

Боғнинг кириш дарвозаси, суғий қўл, амфитеатр, ҳарбий хандак, қояга чиқиш, ўқ отиш жойи ва лүкдором қурилиши яқунланган. Музей қурилиши тугалланиш арафасида, пар-

сиймолари, қадимий обидалари, сервитор тоғлари, ҳудуддан оқиб ўтувчи дарёлари, бепоён кенгликларига ақс эттирилган. Бу ерда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига Қуролли Кучларимизнинг қудратини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан кўргазмалар воситалар орқали сингдириб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

«Ватанпарварлар боғи» ёнида 4 та замонавий кўп қаватли турар-жой, халқро талаб-ларга жавоб берадиган замона-

Нуруллоҳ ДОСТОН,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

## МУНОСАБАТ МУНОСАБАТ МУНОСАБАТ МУНОСАБАТ МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи кишини чуқур ўйлашга, хулосалар чиқариб олишга ундамоқда, кўнгилда кўндан-кўп фикрлар уйғотмоқда

## АДОЛАТ ЙЎЛИДАГИ ҚАТЪИЙ КУРАШ

Маърузани матбуотда такрор ва такрор ўқиб, аввало, бир ҳақиқатни чуқур ҳис этдик, мамлакатимизда инсон ҳуқуқи, манфаати ҳимояси йўлида бошланган шиддатли ислохотлар мавсумий эмас, улар изчил давом этади. Президентнинг қатъий сўзлари, янги тақлифлари бунга қалолат беради. Биз кеча ҳаёлимизга келтирмаган, ақлимиз етмаган, етсада, ишончимиз қийин бўлган масалалар кун тартибига қўйилмоқда, уларнинг ечими бўйича аниқ тақлифлар билдирилмоқда.

Маъруза маъно-мазмунидан кўриниб турибди, мамлакатимизда қилинаётган барча ишлар инсон ҳуқуқи ва манфаатини самарали ҳимоя этишга, инсонни улғайлашга қаратилган. Бунга қўллаб-қувватлаш келтирилди...

Ўйлаб қарасак, улғу ва савобли, қиёси йўқ ишлар бўлаяпти. Бу эътирофда

муболага йўқ. Қўриб, билиб турибмиз, уй-жойсиз, мутоҳидада кун кўриб келаётган юзлаб, минглаб одамларга қачон бунчалик кенг қамровли эътибор, амалий ёрдам кўрсатилган? Қачон шунчалар уй-жой берилган, жиҳозлаб берилган? Қайсидир қорхонанинг қорувхонасида, оидорхонаси бурчагида ёки қариндошининг бир қулбасида бола-чақаси билан йиллаб яшаб келаётган ногирон кишилар, яққа-ёлғиз аёлларнинг уй-жой билан таъминланаётгани инсонпарварликнинг чинакам намунаси эмасми? Уларнинг қувончи, кўз ёшларини кўрган, юраклари қаттидан отилиб чиқаётган сўзларини эшитган киши бу савобли ишлар аҳамияти нақадар юксаклигини ҳис этади, англайди.

► Давоми 2-бетда.

## «МЕХР УЛАШИЛ» ОЙЛИГИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ҚОНИҚАРЛИМИ?..

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари ташаббуси билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қаратилган 23 масала партия гуруҳларида, 14 масала тегишли доимий комиссияларда ҳамда 7 масала сессияларда кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Соҳага тегишли қонунларга юздан ортиқ тақлиф тайёрланди.



## ПРЕЗИДЕНТ ҚЎЙГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ УЧУН аввало, нурунийлар, депутатлар жавобгар бўлиши керак



Акрам АКБАРОВ,  
Халқ депутатлари Қашқадарё  
вилояти Кенгашидаги ЎзХДП  
гуруҳи аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига ташири — бу ҳудудда олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга янада баланд руҳ бағишлади. Кўпалат янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, уй-жойлар бунёд этиш, инвестицияларни жалб қилиш юзасидан янги вазифалар белгилан берилди. Мен эътиборни яна бир муҳим жиҳатга қаратмоқчиман.

Президентимиз Қарши шаҳрида вилоят ва туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари иштирокида ўтказган йиғилишда деярли ҳар куни фармон, қарор чиқаётгани, уларнинг устида ташкилотлар, экспортлар ойналаб, йиллаб ишлаётгани, бу иш азоблиги, аммо уларни амалга ошириш ўн қарра азоблиги ҳақида гапирди. Ҳақиқатан ҳам бу ўзгариш, бу ислохотлар осонгина, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бугунги ижро ҳокимиятининг олдидаги вазифалар жуда катта. Ҳақиқатнинг юзига тик қараб ай-

тиш керак, улар кечаю кундуз тиним билмай ишлаяпти. Фармон ва қарорлар ижросини таъминлашга ҳаракат қилаяпти. Лекин очигини тан олишимиз керак, бу жараёнларда кенг жамоатчиликнинг ўрни ва роли сезилмаяпти. Нурунийлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларда фаоллик бугунги талаб даражасида эмас.

Тўғриси айтмай, ёшим саксондан ошган бўлсада, Президентимизнинг сўзлари, даъватларини эшитиб, ҳаяжонланиб, тўқинланиб кетаман. Халқ куч-қувватим билан, Ватаним, ҳалим учун меҳнат қилишга тайёрым.

Ўйлайманки, ҳар бир депутат, нуруний, ўзини шу юрт тақдирига дахлдор санаган инсон бу жараёнда фаол иштирок этиши керак. Томошабин бўлиб ўтириш ёки мен учун кимдир қилиб беради, деган кайфият билан бугун яшаб бўлмайди.

Айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатлари катта вазифалар юклянапти. Депутат энди чинакамига халқ манфаати ҳимоячиси бўлмоқи керак.

Маҳаллий давлат бошқаруви органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, қамчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш талаб этиляпти.

Бу ўзгариш ва янгиланишларни битта-иккита одам билан амалга ошириб бўлмайди. Одамлар, жамоатчилик уйғониши зарур. Эртага невараларимиз, келажак авлодимиз яхши яшаши, мамлакатимиз ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши учун бугун ўзимизни қийнашимиз, меҳнат қилишимиз керак бўлади.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 18 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:\*)

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 АҚШ доллари 8325,59

1 Англия фунт стерлинги 10476,09

1 Жанубий Корея вони 7,36

1 Канада доллари 6221,48

1 Швейцария франки 8345,62

1 Миср фунти 463,82

1 ЕВРО 9413,74

1 Россия рубли 124,70

1 Япония менаси 73,44

1 Хитой юани 1205,73

1 БАА дирҳами 2266,82

1 Австралия доллари 5974,44

# АДОЛАТ ЙЎЛИДАГИ ҚАТЪИЙ КУРАШ

Президентимиз маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар Бош қомусимизнинг ҳаёتبаш кучидан далолатлиги алоҳида таъкидланди. Шу ўринда бир фикр ҳаёлга келади. Конституция инсонпарварлик ғоялари, улғу мақсадлар билан ҳар қанча тўлдирилмасин, ҳаётда ўз ичросини топмаса, ҳеч қачон қадри бўлмайди. Бу ачиқ ҳақиқатни яқин ўтмишда ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Конституция қоғозда қолиб, ҳаётда бошқа тартиб бўларди. Оқдиди қилиб айтганда, гап бошқа, иш бошқа эди.

Масалан, суд-ҳуқуқ соҳасини олайлик. Конституцияда нималар дейилганлиги-ю, амалда қандай эди?.. Халқимиз ҳуқуқлари, шаъни, қадри шаклсиз бўлиб эди келинганини кекса авлод яхши билади. Афсуски, мустақиллик йилларида ҳам ўтган замон иллатларидан қутулиш қийин кечди. Ички ишлар, прокуратура, суд, миллий хавфсизлик хизмати одамлар тасаввурда асосан жазоланган идоралар сифатида муҳрланган эди. Бундан икки йил илгари суд-ҳуқуқ тизими фаолияти тўғрисида ниҳоятда ачиқ, аммо очик гаплар айтилди, тарихий ислохотлар бошланди. Бу идоралар жазоланган эмас, балки инсон ҳуқуқи, манфаатини ҳимоя этиши кераклиги қаттиқ ўқтирилди. Ҳар бирининг вазифаси, ваколат доираси аниқ белгилаб берилди. Бундан икки йил илгари судларда оқлов амалиёти деярли қўлланилмаётганлиги, бундай ҳолат фуқаролар ҳуқуқларини поймол этаётгани, одамларда ҳақли норозиликларни келтириб чиқараётгани таҳлил этиб берилган эди.

Бир файласуф асоссиз чиқарилган ҳар бир ҳукм жамият виждонига отилган ўқ, деган экан. Ўзбеконга қилиб айтганда, айбсиз одамни қамоққа ташлаш гуноҳи азимдир.

Бир файласуф асоссиз чиқарилган ҳар бир ҳукм жамият виждонига отилган ўқ, деган экан. Ўзбеконга қилиб айтганда, айбсиз одамни қамоққа ташлаш гуноҳи азимдир.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

## НУҚТАИ НАЗАР

# ЯНГИ ВА ЁШ АЪЗОЛАР

## кучимизга куч қўша олади

Партияга янги аъзоларни жалб қилиш долзарб масалалардан биридир. Бу жараёнда қандай технологиялардан фойдаланиш лозим?

Назаримда, партия сафига қўшилишга интилиш, аввало, унинг фаолияти, илгари сураётган ташаббус ва ғоялари аҳолининг мушкуллари қанчалик осон қилишга қаратилганини билишдан бошланади. Яъни партия фаолиятидан хабардорлик даражаси бу борада ҳал қилувчи аҳамиятга эга. ХДПнинг ижтимоий ҳимояга йўналтирилган сийсати кўпчилик учун қизиқ ва муҳим бўлса, ҳойларда олиб борилаётган тарғибот тадбирлари одамларни қониқтирмайди.

Ўйлашимча, партия сафига кўпроқ ёшларни жалб этиш керак. Чунки улар янги-янги фикрлаш билан ажралиб туради. Демак, янгиликсевар, ўз ёндашуви, қарашлари ва муносабати шаклланиган йигит-қизлар тарафдорларимиз сафини кенгайтириб, улар билан ишлаш механизмни ҳам ўзгартиради.

тайлик: Жорий йилнинг ўзидан 1 минг 881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилди. Илгари қандай бўларди? Далил топ, исботла, бўйнига қўй, деб қўшимча терговга қайтариларди, тергов чўзилиб, қонунсизлик авж олиб, беғуноҳ одам қамоқда изтироб чекиб ётаверарди. Яна бир рақам: судлар томонидан 590 нафар шахс оқланибди. Бу рақам 2016 йилда бор-йўғи 28 тани ташкил этгани эки 2017 йилда 263 та эканини ҳисобга олсак, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ўз самарасини бераётгани аққол кўринади. Бундан беш-ун йил илгари бир йилда шунча одам оқланишини тасаввур этиш мумкинми? Қанча ёшманг, югурманг, қон ютманг, оқлов йўқ эди. Чунки қонундан устун қўлар, буйруқлар бор эди. Судьялар юрагини ҳовучлаб иш қўриши ҳам аламли ҳақиқат эди...

Бугун айбдорни айбдор, айбсизни айбсиз, деб очик айтилиши, оқлов ҳукмлари чиқарилаётгани аввало, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар самарасидир. Конституцияда билинган қамолатларнинг ҳаётдаги ижросидир, инсонпарварлик сийсатининг аққол мисолидир.

Халқаро экспертлар Ўзбекистон Конституцияси умуминсоний ғояларга, миллий қадриятларга

Бир файласуф асоссиз чиқарилган ҳар бир ҳукм жамият виждонига отилган ўқ, деган экан. Ўзбеконга қилиб айтганда, айбсиз одамни қамоққа ташлаш гуноҳи азимдир.

асосланган, энг инсонпарвар, конституциялардан бири эканини кўп бор эътироф этишган. Бугун эса Конституция асосида юртимизда олиб борилаётган тарихий ислохотларни, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни ибрат қилиб кўрсатишмоқда. Бугун биз бир ҳақиқатни тобора тегран ва чуқур англаб етмоқдамиз: Энг улғу, савобли иш — одамлар ҳуқуқи, манфаатини ҳимоя этиш, энг олий вазифа — халқимизга ҳалол хизмат қилиш. Бу ишларни бировга кўз-қўш қилиш ёки ном чиқариш учун эмас, фарзандларимиз келажиги, халқи-

миз бахт-саодати, она ватанимиз — жонажон Ўзбекистонимиз тараққиёти, кучли-қувватли бўлмоғи учун қилмоқдамиз.

Инсон ҳуқуқи фақат суд-ҳуқуқ тизими фаолияти билан боғлиқ эмас, албатта. Меҳнат қилиш, таълим олиш, тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва давлат томонидан муҳофаза этилиши қамолатланган. Бошқача айтганда, инсон муносиб яшаши учун нимаки зарур бўлса, ҳаммаси унинг ҳуқуқлари ҳисобланади. Ҳуқуқлар бузилиши эса асосан мансабдор шахслар томонидан содир этилади. Маърузада жуда оғир бир рақам келтирилди. Мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳимояси учун кескин кураш бораётган, кўп ачиққоқ синовларни, адолатсизликларни бошидан ўтказган халқимиз иззат-хурматини жойига қўйиб, қадр-қимматини улуғлаш, юртдошларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш учун ҳаловат билмай кураш кетаётган бир пайтда 1 минг 177 нафар мансабдор шахс коррупцияда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилганини қандай баҳолаш мумкин? Улар орасида туман, вилоят ҳокимлари ҳам борлиги кишини қаттиқ ўйга толдиради. Ҳоким бўлиш — қатта шараф, ўзингдан яхши ном қолдириш учун яратилган улкан имконият. Давлат раҳбари сенга

Ҳаёт тажрибасидан маълумки, қаерда жамоатчилик нозорати суст бўлса, ўша ерда коррупция авж олади, муаммолар кўпайиб кетади, одамлар жабр кўради. Оммавий ахборот воситаларида эса аксарият ҳолларда фалончидево пора билан қўлга тушибди, қамоққа олинибди, деган хабарлар билан чегараланамиз. Ўша раҳбар коррупция тузоғига илиниб қолишига нима сабаб бўлди, уни бунга нима мажбур қилди? Унинг иродаси сустми, тарбияси мўртми, маънавияти кемтикми?.. деган саволлар устидан ўйлашимиз. Тахлилий хулосалар чиқаришга ҳар доим ҳам интилаймиз.

Маърузадаги бирорта масала йўқки, оммавий ахборот воситаларида дахлдор бўлмасан. Шу бойс ҳам уни бугунги ва эртанги фаолиятимиз учун дастуриламал, деб биламиз. Маърузани диққат билан ўқисак, ҳаётимизнинг кўпдан-кўп муаммоларига жавоб топамиз. Жамият олдидаги жавобгарлик, бурч ва масъулиятимизни чуқур ҳис этамиз. Адолат ўз-ўзидан ўрнатилмаслиги, бунинг учун ҳар биримиз ҳар куни қатъий курашмоғимиз лозимлигини англаймиз.

Аммо маърузада коррупциядек оғир, жирканч жиноятларга муросасиз бўлмасак, жамоатчилик нозоратини ўрнатмасак, бу

олиб борилаётган тадбирлар ва ижтимоий лойиҳаларни ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. «Фалон ерда фалон тадбир бўлиб ўтди» тарзидаги жонсиз хабарлар эмас, аниқ ҳақрамонлар тақдир мисолида ёритилган лавҳалар кўпроқ эътибор тортади. Муайян ташаббус кимнинг тақдирини ўзгартирди? Кимга амалий ёрдам берди? Натижага қандай? Ахборотда шу каби саволларга жавоб бўлиши зарур. Партияимиз фаолиятини ёритиш жараёнида тез унутилмайдиган хабарлардан қочган афзал.

Албатта, ҳар бир сийсий партия ривожланиши ва ўз тарафдорларининг кўпайишини, ис-тайди. Жамият тараққиётига ҳисса қўиш истаги-

Одам ўз табиатига кўра, айтилган гапдан қилинган ишни устун қўяди.

Ҳаёт тажрибасидан маълумки, қаерда жамоатчилик нозорати суст бўлса, ўша ерда коррупция авж олади, муаммолар кўпайиб кетади, одамлар жабр кўради.

балога қарши курашимиз самарали бўлмаслиги айтилди. Президент жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, Олий Мажлис палаталарида Коррупцияга қарши курашиш бўйича қўмиталар ташкил этилиши таклиф қилди.

Жамоатчилик нозоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари фойда муҳим ўрин тутганини ҳам таъкидлади. Афсуски, бу борада биз журналистлар ҳамон сукут сақлаб келаямиз. Бугун бунинг сабабларини ўзимиздан сўрашимиз ва унга жавоб топишимиз зарур бўлади.

Ҳаёт тажрибасидан маълумки, қаерда жамоатчилик нозорати суст бўлса, ўша ерда коррупция авж олади, муаммолар кўпайиб кетади, одамлар жабр кўради. Оммавий ахборот воситаларида эса аксарият ҳолларда фалончидево пора билан қўлга тушибди, қамоққа олинибди, деган хабарлар билан чегараланамиз. Ўша раҳбар коррупция тузоғига илиниб қолишига нима сабаб бўлди, уни бунга нима мажбур қилди? Унинг иродаси сустми, тарбияси мўртми, маънавияти кемтикми?.. деган саволлар устидан ўйлашимиз. Тахлилий хулосалар чиқаришга ҳар доим ҳам интилаймиз.

Сафар ОСТОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

да бўлганлар учун сийсий партияга аъзолик энг маъқул йўллар. Чунки партия аъзоси сифатида у сайловларда тақдим этилган тайёрг дастурларга овоз беришдан қўра, муҳим сийсий қарорларни қабул қилишда шахсан иштирок этиш имконини қўлга киритади.

Бугунги кунда халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган тарғибот усулларида бири жамоа бўлиб ишлаш усулидир. Бунинг учун нима қилиш керак? Менимча, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан яхши ҳабардор қилинган ишчи гуруҳ тузишимиз лозим. Улар жойларга бориб, партия ғояларини тарғиб қилади. Сайловчилар томонидан қандай мавзуда савол берилмасин, пухта ҳозирлик қўрган мутахассислар ба-досил жавоб бериши талаб этилади. Айнан уларнинг фаолияти ёшларнинг партияимиз ҳақидаги тасаввурини кенгайтиришда муҳим ўрин тутди.

Биз доим партияимиз сафига янги аъзоларни жалб қилиш, бу борада янги усуллари жорий этиш ҳақида ўйлашимиз керак. Акс ҳолда, бир жойда қотиб қоламиз.

Эгамберди ЭРНАЗАРОВ, Ўзбекистон ХДП Ўрта Чирчиқ туман кенгаши раиси.

# МУНОСАБАТ

## МУНОСАБАТ

# СИФАТ, БИЛИМ ВА МАЛАКА

тиббийнинг асосий ўстунларидир



Мақсуда ВОРИСОВА,  
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши  
раиси ўринбосари, Олий Мажлис  
Сенати аъзоси:

— Сукрот «Барча касблар одамлардан, фақат учта касб худодандир: булар — муаллим, қози ва шифокордир», деган эди.

Тиббиёт — кенг қамровли, жуда масъулиятли соҳа. Тиббиётда ислохот қилмас, деб энг қийин даврларда ҳам (очарчилик, турли эпидемия, уруш даври) муваффақиятли ишлаб турган тизимни издан чиқардик. Ўрнига тушунарсиз бир тузилма яратилдики, у на давлат топшиқларини бажара олади, на халқ манфаатдор бўлади. Шунинг учун бирор ўзгариш киритишдан аввал чуқур ўйлаб, хориж тажрибасини шунчаки кўчирма қилмасдан, аҳоли талаблари, мавжуд имкониятлар, врачлар ва ҳамшираларнинг реал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда (раҳбариятга бериладиган чироийли ҳисобот учун эмас) халқни рози қиладиган тизим яратилиши керак.

Муҳтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг 7 ноябрь куни имзоланган ўта муҳим — Ўзбекистон Республикаси солиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор мамлакатимизда ана шундай солиқни сақлаш тизимини яратишга асос бўлади. Қарорда хизматни ташкил қилиш, уни молиялаштириш, кадрлар тайёрлаш каби бир қатор муаммолар ечимли кўрсатилган.

Дунёда, менинг билишимча, текин нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар қандай моддий буюм ёки хизмат ўз нархи эга. Фақат унинг ҳақи қим томонидан тўланишига қараб, пулли ёки бепул, деб биламиз. Ўзоқ йиллар давомида халқ таълими ва тиббиёт тўлиқ давлат таъминотида бўлгани сабабли аҳоли уни текин деб қабул қилишга ўрганиб қолди. Лекин маориф ҳам тиббиёт ҳам доимий маблағ талаб қиладиган тизим бўлгани, айниқса, сўнгги йилларда бу маблағ йил сайин кўпроқ талаб қилинаётгани сабабли ҳар икки соҳада пулли хизматлар жорий қилиниши ўринли, деб ўйлайман.

Мисол учун. Президент қарориди давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳаммага кирмайдиган хизматлар, текширувлар пуллик асосда ташкил этилишига рухсат берилмоқда. Тажрибамдан келиб чиқиб айтганим бўлсам, ҳозирда қишлоқ туманларидаги поликлиника ва ҚВПларда лаборатор текширувлар ҳажми анча кечканган. Беморлар зарур текширув учун туман маркази ёки шахарларга бориб, пулли текширувдан ўтшига мажбур бўлмоқда. Қарор асосида эса бундай текширувларни шу жойининг ўзида пулли асосда ташкил этиш мумкин бўлади. Бу эса беморнинг ҳам маблағини, ҳам вақтини тежайди.

Тиббиётда аҳолининг гашини келтирадиган ана бир ҳолат — турли хужжатларнинг қўлиги ва врачларнинг асосий вақти уларни тўлдиришга сарфланиши-

дир. Маълумки, тиббий ходимнинг иш вақти қатъий ўлчанган ва ҳар бир бемор учун маълум вақт белгиланган. Лекин уларга қўшимча асосланмаган ҳолда бир қанча юмуш юкланиши иш сифати пайсани, бажараётган вазифасидан бе-зисига сабаб бўлмоқда.

Қарорда ана шу ҳолатни бутунлай тугатиш, тиббиёт ходими вақтини асосан беморларга сарфлаши учун имкон яратиш мақсадида хужжатлар электрон кўри-нишга ўтказилиши белгиланган.

Шунингдек, мажбурий меҳнатга жалб қилиниши тажрибали ходимларнинг ишдан бўшаб кетиши, ёш мутахассисларнинг бирламчи тиббиёт муассасаларига келиш хохлиши бутунлай сўнишига сабаб бўлди. Натижада бирламчи бўғимда минглаб врачлар ўрни бўш турибди. Қишлоқ оилавий поликлиникаларининг врачлар билан таъминлиниши Сирдарё ва Сурхондарёда 50 фоиздан кам, Жиззах, Хоразм, Тошкент вилоятларида эса 60 фоизга етмайди. 4 нафар врач ишлаши лозим бўлган муассасада бир врач ишласа, қандай сифатни талаб қилиш мумкин, бу врачнинг кучи, вақти қанчага етади?..

Солиқни сақлаш тизимида иш ўринларининг асоссиз қисқартирилиши шу даражага етганки, 30 ўриндан кам бўлган болалар шифохонасида тунги навбатчи врач штати йўқ. Шошилинч тиббий ёрдам бўлимида ҳам иш ўрни қисқартирилгани сабабли шошилинч операция ҳолатларида қабулхона врач ва ҳамшира-си жалб қилинади, қабулхона эса тиббий ходимсиз қолади. Туман марказий поликлиникаларида тор доира врачлари ҳам кескин қамалтирилди. Масалан, болалар ўртасида касалликларнинг кўп қисмини ЛОР касал-ликлари ташкил қилишига қарамай, бу йўналиш мутахассиси, ревматологлар ва бошқа қўллаб аҳоли учун зарур бўлган мутахассис-ликларнинг иш ўринлари қисқартирилди.

Қарорда ана шу муҳим масалаларни ҳал қилиш йўллари белгилангани яқин йилларда тиббиёт мавқеи қайта тикла-нишига умид беради. Бунинг учун амбу-латор хизмат, яъни поликлиника ҳамда ҚВПларда молиялаштириш аҳоли жон бошига нисбатан олиб борилади ва му-ассаса ўзига бириктирилган инсонлар-нинг саломатлигини яхшилашдан маф-ратдор бўлади. Чунки аҳоли қанчалик со-ғлом бўлса, оғир касалликларнинг олди олинса, ногиронлик ҳолатларига йўл қўйилмаса, моддий маблағлар муассаса ишларида қолади ҳамда ривожланиш учун сарфланади.

Аҳоли саломатлигини яхшилаш йўли-да қабул қилинган хужжатлар талабларини тўлиқ бажариш соҳада хизмат қи-лаётган мутахассисларнинг виждоний бур-чи бўлиши керак, деб ўйлайман.

# ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ АГЕНТЛИК ФАОЛИЯТИ

электратимиз манфаатларига ҳар томонлама мосдир

— Президентимиз томонидан қўйилган кенг қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси солиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони тиббиёт соҳасини замон талабларига мос тарзда ислох қилишга қаратилган билан аҳамиятли, деб ўйлайман.

Албатта, фуқароларимиз қафолатланган тиббий хизмат бўлиши тарафдори. Бироқ мазкур соҳада тайёрланаётган кадрлар талабга қай даражада жавоб беради? Бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Шунинг учун Президент фармонида солиқни сақлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Охириги йилларда та-нишларимиз ёки қариндош-ларимиз давлатини учун чет элга кетётганига кўп гувоҳ бўлишимиз. Бу нимадан далолат? Табиийки, соҳада малакали кадрлар ҳамда талабга яраша асбоб-ускуна-лар етишмаслигидан.

Яна бир муҳим масала. Партияимиз электрат ва-киллари билан бўлиб ўта-ётган мулоқотларда қўллаб-муражатлар келиб ташмоқ-да. Ногиронлиги бўлган

шахслар ва аҳолининг иж-тимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига қўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларнинг белгиланган муам-молар, муҳтож шахсларни протез-ортопедик буюмлар ва реабилитация техник во-ситалар билан таъминлаш масалаларида муаммолар йиғилиб қолган. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир-бирига зиддият оқибатида аҳоли овдига қилинган дуч келмоқда.

Фармонда белгилани-шича, ушбу соҳалар билан алоҳида тизимли шугулла-ниш учун ваколатли орган-га зарурат туғилди. Со-ғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббий-ижтимо-ий хизматлар агентлиги-нинг ташкил этилиши шаф-фодлигини таъминлашга, камчиликларни бартараф этишга йўл очади, деб ўйлайман.

Агентлик кексалар, но-гиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳи-мо-яга муҳтож бошқа тоифа-ларига қўрсатилаётган тиб-бий-ижтимоий хизматлар-ни янада яхшилаш вазифа-ларини бажаради. Тиббий-ижтимоий ёрдамнинг яго-на сийсатини шаклланти-риш ва амалга ошириш, ногиронлигини белгилаш-нинг кенг қамровли ягона

тизимини яратиш мақсади-да меъёрий-ҳуқуқий база-ни янада тақомиллашти-ришга қаратилган таклиф-ларни ишлаб чиқади. Тиб-бий-ижтимоий муассаса-ларнинг ижтимоий ҳи-мо-яга муҳтож кишиларга тиб-бий хизмат кўрсатиш бўйи-ча фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳам мазкур агентлик зим-масига юклатилмоқда. Шу-нингдек, муҳтож шахслар-ни протез-ортопедик буюм-лар ва реабилитация тех-ник воситалари билан таъ-минлаш тўлиқ қамраб оли-нади. Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, но-гиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фа-олиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ва улар-ни мувофиқлаштириш ма-салалари устувор этиб бел-гиланади.

Ушбу фармон аҳолининг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини талаб даража-сида таъминлаш, ногиронли-ги бўлган фуқароларнинг манфаатларини ҳи-мо-я қи-лиш, ишларини янги бос-қичга олиб чиқишига ишон-чимиз қомил.

Фарида ҚОСИМОВА,  
халқ депутатлари  
Тошкент вилоят Кенга-шидаги Ўзбекистон ХДП  
гуруҳи аъзоси.

## ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК

улуғланган ташаббусни БМТга аъзо 193 давлат  
бир овоздан қўллаб-қувватлади

БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюция қабул қилинди.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг бешинчи йўналиши диний бағрикенглик ва миллатлараро товушликни таъминлаш масаласига бағишланган мамлакат Президенти ва ҳукуматининг халқаро ҳужжатларда белгиланган умуминсоний вазибаларга юксак эътибор қаратаётганининг намунаси ҳамдир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюция қабул қилиш ташаббуси билан чиққан хажон хамжамиятининг диққатини тортган эди. Мазкур ҳужжат барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашиш, энг муҳими, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлашга қаратилган билан эътиборга моликдир.

Ушбу глобал қадам, чорлов янграганига бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Шу мuddат ичида бу эзгу ташаббуснинг нечоғли долзарб экани, у она сайёрамиз истиқболи учун нақадар муҳим аҳамият касб этишини бутун дунё халқлари англаб етишди. Натижада жорий йилнинг 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган мазкур резолюция БМТга аъзо 193 та давлат томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Нафақат қўллаб-қувватланди, балки барча қитъаларнинг 50 дан зиёд мамлакат билан ҳаммуаллифликда қабул қилинди. Бу — юксак эътироф.

Резолюцияда маърифатпарварлик ғоясини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилиб, сайёрамизда ҳафсизлик ва тинчликни мустақамлаш йўлидаги интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, мурося ва ўзаро англашувнинг нечоғли му-

ҳимлиги эътироф этилди.

Ушбу ҳужжат барча аъзо давлатларнинг фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга доир сай-ҳаракатларини фаоллаштиришга ундагани билан ҳам аҳамиятлидир. Унда таълим, илм-фан, маданият воситасида миллатлараро ҳамкорликни кенгайтириш орқали ЮНЕСКОнинг дунёда тинчлик ва ҳафсизлик ўрнатилган муҳим роли эътироф этилади.

Бу ҳужжат бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслигини таъминлашга қаратилган.

Эсингизда бўлса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид мамлакатимизда бўлиб, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлаш, динга эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ўзгариш ва ислохотларни юксак баҳолади.

Яқинда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишлаб Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумининг Самарқанд шаҳрида ўтказилгани ҳам мамлакатимизда дин ва виждон эркинлиги тобора мустақамлашиб бораётганидан далолатдир.

Юртимизда кенг қамровли халқчил ислохотлар даври кечмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган барча сай-ҳаракатлар асл моҳияти ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг ҳаётдан рози бўлиб яшашига қаратилган. Инсон қадр-қиммати ва шаъни юксак даражага кўтарилган. Зеро, муқаддас динимизда ҳам яхши фазилатлар улуғланган, инсоннинг мушкуллари осон қилиниб, машаққатини кетказиш энг савобли амал, дея қайд этилган.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон

дунёвий демократик ривожланиш йўлини танлаган мамлакат эканидан, ўз навбатида, барча дин вакилларига бирдек эътибор қаратаётганидан далолат беради.

Резолюциянинг қабул қилиниши натижасида энди БМТга аъзо давлатларнинг таълим муассасаларида диннинг инсонпарварлик моҳияти кенг тарғиб этилади. Шунингдек, давлатлар маълум мажбуриятларни ҳам ўз бўйига олади. Бу мажбуриятлар нималардан иборат десак, аввало, дин ҳеч қачон зўравонликлар билан бир қаторга қўйилмайди, экстремизм, терроризм сўзлари дин билан боғланмайди. Чунинчи, Президентимиз ўз нутқида аниқ ва тиниқ айтиб ўтган эдики, ислом терроризми қоралайди, уни терроризм билан боғлаш мумкин эмас.

Бугун муқаддас динимизни ниқоб қилиб олган қора кучлар инсониятга қарши жиноятларни авж олдираётган бир шароитда бу қадам чуккур ўйланган, шунинг барибарида яқин тарихда йўл қўйилган хатолардан жиддий хулоса қилинган ҳолда айтилган таклиф бўлди. Бу таклифнинг айнан бизнинг давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилиши эса мамлакатимиз буюк маърифатпарварлар юрти экани, халқимиз мудом маърифатга ошнолигининг яна бир исботидир.

Эндиликда БМТга аъзо давлатлар резолюциядан келиб чиқиб, миллий ва халқаро оммавий ахборот воситалари, жумладан, Интернет тармоғида кенг қўламли тарғибот ишларини йўлга қўйишда, бағрикенглик, зўравонликка барҳам бериш ҳамда дин ва эътиқод эркинлигига доир маърифий ахборот тарқатиш каби тегишли коммуникцион стратегияни жорий этишда. Бу, ўз навбатида, диннинг, жумладан, ислом динининг асл моҳиятини, унинг тинчликпарварлик ва эзгуликка асосланганини тарғиб этишга қаратилган. Зотан, тўғри танқид қилинган эътиқод фақат тинчликни, одамийликни улуғлайди.

Аброр ПЎЛТОВ,  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмита  
матбуот котиби.

Ўзбекистон ХДП

Марказий Кенгаши

Миллий матбуот

марказида «Меҳр улашинг» ойлик акцияси якунига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Партия Марказий

Кенгаши раиси

ўринбосари

Меҳрождин Дархонов

ойлик доирасида амалга

оширилган ишлар

хусусида маълумот

берди.

«МЕҲР УЛАШИНГ» ОЙЛИГИДА  
ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР  
ҚОНИҚАРЛИМИ?..

— Мазкур акция жорий йилнинг 6 ноябидан 6 декабрига қадар давом этди, — деди у. — Шу вақт оралиғида 1580 маҳалла, қорхона ва ташкилотларда 500 дан ортиқ тарғибот тадбири ўтказилди. Одамларнинг ўй-фикрлари, ҳаёт тарзи билан бевоқиф танишдик. Жараёнда 10 минг нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахс, пенсионер ҳамда эҳтиёжманд аҳоли вакиллари қамраб олинди. Шундан 70 нафарига ўз ишони бошлаш учун банк сертификатлари топширилди, 80 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга ишга жойлаштиришга қўмаклашилди. Бундан ташқари, акция доирасида ҳомийлик маблағлари ҳисобига 195 та ногиронлик арачаси, 140 та эшитиш мосламаси, 350 та қўлтиқтаёқ тарқатилди. Қўрғазмалар ҳам ташкил этилиб, ногиронлиги бўлган 700 нафар шахсларнинг қасаначилик, ўймакорлик, тикунчилик каби ўнган ортиқ турдаги маҳсулотлари намойиш қилинди ва сотилди. Мулоқот-

лар давомида аниқланган юздан ортиқ масалалар ўз жойида ижобий ҳал этилди. Марказ билан ҳал бўладиган 50 га яқин масала партиямизнинг парламентдаги фракциясига тақдим қилинди. Фракция аъзолари томонидан республика даражасидаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан 8 та депутатлик сўрови юборилди.

Акция доирасидаги тадбирларда маҳаллий Кенгаши депутатлари ва партия ташкилотлари фаоллари ҳудудларда ногиронлиги бўлган шахсларни ўйлан-тираётган масалалар билан танишди. Афсуски, жойларда бугунги ислохотлар мазмун-моҳиятини чуқур англамаётган мутасадди ташкилотлар, масъулиятни ҳис этмаётган партия ташкилотлари борлиги маълум бўлди. Айниқса, якка-ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган, сурункали касалликларга чалинган шахслар, бўлажак она ва болаларни патронаж хизматлари билан қамраб олиш ишларини

талаб даражасида, деб бўлмади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ҳам ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қаратилган 23 масала партия гуруҳларида, 14 масала тегишли доимий комиссияларда ҳамда 7 масала сессияларда қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Соҳага оид қонунларга 103дан ортиқ таклиф тайёрланди.

— Тарғиботда биз асосан ОАВга суянардик, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Акмал Турсунбоев. — Бирор тадбир ташкил этиш жараёнида энг аввало телевидение ва матбуот ҳодимлари билан боғланардик. Марказда амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар, ислохотлардан чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли кўпичча ҳабар топмай қолаётганди.

Вақтида тарғиботнинг бошқа усулларида кенгроқ фойдаланишни ўйлаб кўрамдик. Мазкур ойлик акция доирасида бу камчилигини тўлатиш учун ҳудудлардаги меҳнат армалари, тиббий кўриклар ҳақидаги ахборотларни аҳолига етказишнинг турли усулларида фойдаланишга ҳаракат қилдик. «Меҳр улашинг» шiori остида ўн номдаги тарғибот воситалари тайёрланиб, аҳоли гавжум жойларга осилди. Шунингдек, партия логотипи туширилган юз мингта буклет, флаерлар, тарғибот воситалари тарқатилди. Бу ўзининг натижасини бермай қолмади, албатта. Гарчи акция биринчи марта ўтказилган бўлса-да, унинг оммабоплигига эриша олдик, деб ўйлайман.

Матбуот анжуманида мутасаддилар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Махлиё АЛИКУЛОВА,  
«Ўзбекистон овози»  
муҳбири.

БИР ШИКОЯТ ИЗИДАН...

## ФЕРМЕРЛАР ЕРСИЗ ҚОЛДИ

Энди уларнинг тақдирини нима бўлади?

Сайхунбоддаги «Робот» сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида фалият юритаётган 19 та фермер ҳўжалигининг 9 таси билан туман ҳоқими Ботир Мирзақуллов томонидан 2018 йил 5 ноябрда қабул қилинган қарор асосида ер майдонини ижарага бериш шартномаси бекор қилинди.

Туман ҳоқимлигининг захира фондида қайтариб олинган 448 гектар ер майдони 2018 йил 7 ноябр санаси билан ҳоқим қарорига асосан Ҳақимбой Абдуллаевга 49 йил мuddатга ижарага берилди. 9 нафар фермер пахта топшириш бўйича шартномавий режани бажармагани учун туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоққа ер эгалари кенгашининг раиси Хўроз Ашуров имзоси билан туман ҳоқимига ер майдонини ижарага бериш тўғрисидаги қарорни ўрнатилган тартибда бекор қилишни қўриб чиқиш ҳақида 2018 йилнинг 12 ноябидида, яъни, ҳоқим қароридан 7 кун ўтиб хулоса берилган. Қонун бўйича, 9 та фермер ҳўжалиги тақдирини ҳал қилган қарордан кейин ушбу майдонлар бир ой ичида танловга қўйилиши, бу ҳақда эълон берилиши керак эди. Лекин эълон берилмади. Нега?

Ишсиз қолган фермерлар ана шундай шикоят билан тахририятимизга мурожаат қилди. Тахририят йўлланмаси билан вазиятни ўрганиш учун аввало Сайхунбод туманидаги Робот сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида жойлашган фермер ҳўжаликлари ер майдонларини бориб кўрдик.

Фермер ҳўжаликлари ер участкалари Сирдарё бўйларида жойлашган экан. Баъзи майдонларга галла уруғи, экилган, баъзиларига ишлов берилмаган ёки ишлов берилган бўлса ҳам келгуси йил ҳосили учун уруғ экилмаган. Биз ана шу ҳолат билан қизиқдик. Фермерларнинг айтишича, ҳар бир фермер ҳўжалигига келгуси йил ҳосили учун галла уруғи бундан 1,5 ой олдин бе-

рилган. Лекин галланинг ўрнига экилган тақририй экинни йиғиштириб олиш учун пахта йиғим-терими баҳонаси билан комбайн берилмаган. Натижада кузги дон экиш ишлари кечиккан.

— 2003 йилдан буён фермер ҳўжалигини юритиб келаман, — дейди «Исо Қарши» фермер ҳўжалиги раҳбари Исо Бобомуродов. — Ҳар йили давлатга галла топшириш шартномавий режасини бажариб келаямман. Бу йил ҳам ошиғи билан бажардим.

Тўғри, 6 гектар ерга чигит экувдик, ҳосил қўғи кам бўлди, режа бажарилмади. Сабаби, ҳўжалик ҳудуди Сирдарё бўйида жойлашган, намлик ҳаддан ташқари баланд, ер шўрхок...

«Пойманд сокин сойлари» фермер ҳўжалиги раҳбари Тиломурод Норбўтаев галла бўйича шартномавий режани ошиғи билан бажарган. Эрмон Турдиев 2015 йилда илгари сув чиқарилмай, чангалзор бўлиб ётган ерларни ўзлаштириб, «Робот Эшход дурдона» фермер ҳўжалигини ташкил этди. Тағидида «Ласетти» автоташнаси, кўрасидаги 7-8 та қорамоллини сотди. Катта маблағ харажат қилиб, насос ўрнатди, сув чиқарди. Ҳар йили галла топшириш режасини ортиги билан бажариб келаяпти. Жорий йил режасини ҳам 120 фоиз қилиб бажарган.

Зафар Аҳмедов 2013 йилда «Шохрух Руҳона келажиги» фермер ҳўжалигини ташкил этган. Ернинг шўрини ювиб, мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ўз ҳисобидан 170 миллион сўм маблағ сарфлаган.

Абдусаттор Бойманов 2015 йилда дарё бўйидаги қамишзор, ташландик ерларни ўзлаштириб, «Оташ нур келажиги» фермер ҳўжалигини тўзган. Зовур қаздириб, сув чиқариш учун насос ўрнатган. Отабек Раҳмонов бошқараётган «Қўқ осмон остида» фермер ҳўжалиги жорий йил галла топшириш режасини ошиғи билан бажарди. 15 гектар майдонга чигит экди. Ер шўрхок бўлгани учун 8 гектар майдондаги чигит умуман униб чиқмади. Тегишли мутасадди ташкилотлар ер унумдорлиги пастлиги ҳақида далолатнома тузиб, ўз хулосасини берган.

— Президентимиз томонидан 15 центнердан кам ҳосил берадиган ер майдонларига пахта экмаслик тўғрисида кўрсатма бор, — дейди «Робот» сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Жаҳонгир Умрзоқов. — «Робот» СИУ ҳудуди ана шундай ер майдони сирасига ки-ради. Ер шўрхок, намлик юқори. Дарё бўйидаги пахта ҳеч қачон қутилган ҳосилни бермайди. Умуман олганда, Сайхунбод тумани ҳудудида 500 дан ортиқ фермер ҳўжалиги бўлса, уларнинг кўпчилиги пахта бўйича шартномавий режани бажара олмади...

— 2018 йилда «Робот» СИУ ҳудудида 151 гектар пахта экиш режага киритилди. Барча агротехник тадбирлар амалга оширилишига қарамайдан, режа фермер ҳўжаликлари

томонидан бажарилмади, — дейди Сайхунбод туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоққа ер эгалари кенгашининг раиси Хўроз Ашуров. — Шунинг учун туман ҳоқимлиги ва улар ўртасидаги шартнома бекор қилиниб, ер майдонлари бошқа кишига берилди. Шунда ҳам мен ҳоқим билан гаплашиб, ишсиз қолган фермерларнинг ерларини қисман бираштириб уларга беришни, ёки 5 гектардан интенсив бог яратиш учун ер майдони ажратиб бериш таклифини киритдим. Лекин фермерлар бу таклифимга қўйишмади. Энди уларнинг иши қандай бўлади, бу менинг ваколатимда эмас...

Сайхунбод туман ҳоқими Ботир Мирзақуллов билан ҳам учрашдик.

— Бу фермерлар йиллар давомида шартномавий режани бажармай келаяпти, — деди туман ҳоқими. — Бундан ташқари, жуда катта миқдорда қарздорлиги бор. Ҳозир уларнинг исм-фамилиялари ёдимда йўқ, аниқ маълумотларни туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ҳоқим ўринбосари Мирзохид Раҳмонбердиевдан оласиз. Шунинг учун бундан буён режани бажармаган фермер билан тузилган шартнома бекор қилинади. Чўки ҳозир ерга талабгорлар қўлайди. Бунинг устига, бу фермерлар тақририй экин экиш учун туман «Оқолтиндон» акциядорлик жамия-

Одамлар адолатсизликка учраса, турли идораларга ариза-шикоятлар қўяйди, сарсонгарчилик кучаяди. Яна бир савол хаёлга келади: агар туман ҳоқимияти режани бажармаган барча фермерларни тўплаб, нима учун айнан 9 нафар фермер билан тузилган шартномани бекор қилганини тушунтирса, эҳтимол овозгарчилик бунчалик даражада бўлмасиди...

тидан катта миқдорда шולי уруғлиги олган, лекин экмаган...

Биз фермерлар ҳисобидан қаздирилган зовур, ўрнатилган насосларнинг харажати қандай қопланиши билан қизиқдик.

— Ўрнатилган насос фермернинг хусусий мулки, унга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ, ёчи олиб кетаверсин, — деди туман ҳоқими қисқа қилиб...

— Фермерларнинг кўпчилиги галла топшириш бўйича бу йилги шартномавий режани ошиғи билан бажарган, — дейди «Робот» сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Жаҳонгир Умрзоқов. — Нима учун уларнинг ҳам ерлари олинди, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, бизга номалум бўлган Ҳақим Абдуллаев қисқа кишига берилди, шунга ҳайронман. Бу ерда фермерларга нисбатан ноҳақлик бўлапти, деб ўйлайман. Ҳар бир фермернинг орасида 5-10 тадан ишсиз, 5-6 тадан бола-чақаси бор, улар энди нима қилади?

«Оқолтиндон» акциядорлик жамиятидан олинган уруғлик шולי масаласига келадиган бўлсак, Даврон Абдуллаев деган фермер 9 нафар фермер томонидан берилган ишончнома бўйича олган шולי уруғини ўзлаштириб юборган. Ҳозир бу иш бўйича тергов-суриштирув ишлари бошланган...

Биз кечки пайт шу масала бўйича туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ҳоқим ўринбосари Мирзохид Раҳмонбердиевга учрашдик.

— 9 нафар фермернинг аксарият ер майдони Сирдарё соҳилларига тўғри келади, — деди у. — Шунинг учун бу ҳудудлар хоҳлайимизми-йўқми, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги тасарруфига ўтади. Иккинчидан, булардан ташқари, режани бажармаган 50 дан зиёд фермер ҳўжалиги билан ҳоқимлик ўртасида тузилган шартномани бекор қилиш

бўйича иш олиб борилапти, далолатнома тузилапти.

Лекин бу фермерларни кўрагидан итариб, қўчада қолдириш, дегани эмас. Уларни тушунаман, шунча меҳнат қилган, ўз чўнтагидан насос ўрнатиб, сув чиқарган, зовур қазган. Ҳоқим билан маслаҳатлашиб, бу масалани ҳал қиламиз...

2018 йилнинг июнь ойида галладан бўшаган ерларга тақририй экин, яъни шולי экиш учун ер сўраб келган Ҳақимбой Абдуллаевга «Робот» СИУ ҳудудидан 17 гектар ер ажратилган. У етиштирилган ҳосилдан тўлов бериш шарт билан фермерлар ёрдамида аҳолидан қарз қўтарган.

Шунга қарамай, унга 427 гектарга (тақририй экин сифатида шולי экишга энг қўлай жойлар) галла экиш учун қарор чиқарилган. Савол туғилди: қарз-қавола қилиб, автоташна, уй-жойларини сотиб, топлан-туганини ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфлаган, насос ўрнатиб сув чиқарган, ҳатто галла топшириш режасини ошиғи билан бажарган фермерларнинг айби нимада? Қайси фермер йиллар давомида ерга меҳр бериб, мелиоратив ҳолатни яхшилаб, оғзим оша етди, деганда, четдан келиб, ҳоқимдан ерга эгалик қилиш ваколатини олган кишига қўшқўллаб тутқазилади?

Давлатимиз раҳбари томонидан фермерларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича талаб қўнайиб бораётган, қарорлар чиқарилаётган бир пайтда Сайхунбод туман ҳоқимлиги томонидан олиб борилаётган бундай сиёсатни, тўғриси, тушунамдик.

Одамлар адолатсизликка учраса, турли идораларга ариза-шикоятлар қўяйди, сарсонгарчилик кучаяди. Яна бир савол хаёлга келади: агар туман ҳоқимияти режани бажармаган барча фермерларни тўплаб, нима учун айнан 9 нафар фермер билан тузилган шартномани бекор қилганини тушунтирса, эҳтимол овозгарчилик бунчалик даражада бўлмасиди... Ҳозиргача фермерлар саволларига етарлича жавоб тополмадик. Уйлаймизки, бу саволга тегишли мутасадди идоралар адолатли жавоб беради.

Нуруллоҳ ДОСТОН,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



# «NAVROZ INTERNATIONAL CORP»

қўшма корхонаси жамоаси

халқимизни яқинлашиб келаётган Янги - 2019 йил билан табриклайди!

Янги йил юртимизга, хонадонларимизга кўпдан-кўп янгиликлар, қувонч ва шодликлар олиб келсин!

**БАЙРАМ ҚУВОНЧИ ЙИЛ БЎЙИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!**



Маҳсулотлар сертификатланган.



## «ҒАЛЛА-АЛТЕГ»

акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан табриклайди!



Хирмонингиз донга, хонадонларингиз қувонч ва файзу баракага тўлаверсин!

Маҳсулотлар сертификатланган.



## «ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ»

жамоаси:



— барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Янги йил билан қутлаймиз. 2019 йил халқимиз учун янада омадли келсин!



## O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 71 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 71 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 71 233-38-55, 71 233-47-80.

E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1238. 6332 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'zA yakuni — 22:45.

Topshirilgan vaqti — 01:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchi:

Zafar BAKIROV

Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Gazetaning elektron sahifasiga ulash uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5